

## **«Давлат хизматчиси одоб-ахлоқли бўлиши лозим»**

21 февраль қуни Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида Агентлик ва унинг ташкилий тузилмалари ходимларининг хулқ-атвор меъёрларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи қарори билан «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари» тасдиқланган эди. Ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида «Агентлик ва унинг ташкилий тузилмалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисида низом» ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Тадбирда Агентлик бошлигининг ўринбосари Ш. Шоваҳобов ҳамда кадрлар бўйича мутахассис А. Назаров Низомнинг мазмун-моҳиятини йиғилганларга батафсил тушунтириб беришди. Хусусан, давлат органи ходимларининг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари, ушбу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Маърузалар давомида юқорида эслатилган Низом талаблари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ва унинг ташкилий тузилмаларида одоб-ахлоқ қоидаларини жорий этиш ҳамда ходимларининг уларга риоя этишни таъминлаш чора-тадбирлари хусусида ҳам сўз юритилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Агентлик ва унинг ташкилий тузилмалари ходимлари томонидан одоб-ахлоқ талабларини бажаришда йўл қўйилаётган камчиликлар, давлат органи ходимига мос бўлмаган хулқ-атворлар тўғрисида мисоллар келтирилиб, уларни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлар бериб ўтилди.

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати**